

АССАЛОМ, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

XXI аср саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР
ИЖТМОИЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 33 (9.530) 2001 йил 19 март, душанба ◆ Сотувда эркин нархда



НАВРЎЗ нашидаси

◆ **БҮЮК** ипак йўлидан Паркент кўчасигача бўлган масофада Наврўз айёми ҳамда Мустақилликнинг 10 йиллигига совға сифатида қурилатган кўприк пойтахтимиз аҳолиси учун ўзига хос тўёна бўлиши табиий. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек ва Миробод туманлари ҳудудида бунёд этилаётган бу кўприк ва янги Кичик Ҳалқа йўли мазкур туманлар аҳолиси учун қулайлик туғдиради.

◆ **НАВРЎЗ** айёми арафасида Шайхонтоҳур туманининг Белтепа мавзесида қурилиб фойдаланишга топширилган янги гузар кўркамлиги, чиройли ҳамда замонавийлиги билан дилларга сурур бахш этади.

◆ **НАВРЎЗ** айёми кунлари Яққасарой туманидаги энгил саноат касб-ҳунар коллежи қурилишининг иккинчи босқичи ҳамда Бобур кўчасидаги янги дорихона фойдаланишга топширилади.

◆ **ЭЗГУЛИК** байрами Наврўзи оламини Юнусобод туманидаги «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи ҳам ўзига хос совғалар билан қутиб олмақда. Чунки айнан Наврўз тантаналари кўни маҳаллада янги қурилган профилактив назирининг хонаси мева-манзарали кўчатлар экилган 70 сотихли боғ фойдаланишга топширилади ҳамда маҳалладошлар бир дастурхон атрофида йиғилиб сумалак, кўк сомса лаззати-дан баҳраманд бўладилар. Дошқозонда эса ош дамланади.

ТАРАДДУД

Дилтортар сайиллар

Пойтахтимизнинг энг сўлим гўшаларидан саналмиш — «Сайилгоҳ»да Наврўз тараддуди қизгин. Бу ерга келиб хордик чикарувчи ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига хуш кайфият бағишлаш, уларни баҳорий таомлар — Наврўз неъматлари билан сийлаш учун барча хозирликлар қўрилади.

— Жамоамизнинг 300 нафарга яқин ходимлари барчани қувонтириб, яшатиб ва яшатириб кириб келётган Наврўзи оламини бу йил ҳар йилгидан ҳам ўзгача тайёргарлик билан қутиб олишяпти, — дейди «Сайилгоҳ» давлат унитар корхонаси раҳбари Дилшод Одилов. — Безаш, орасалаш ишларини бекаму кўст бажардик. Негаки, одамларимизнинг завқига заъқ қўшилсин. Энг мохир, энг лаззат ва энг дилбар ошлаз ва қан-долатпазларимиз хизматга шай туришибди.

Кутлуг айём кунинда бу ердаги 14 та замонавий қаҳвахона, эрта тонгдан иш бошлайди. Ўзбекининг энг севимли таоми палов 100 дан ортик қозонларда дамланади. «Сайилгоҳ»га ташриф буорувчилар учун 600 килограмм сумалак пиширилади. Шунингдек, кўк сомсаю кўк чўваралар, қатламаю патирларнинг таъми озгинида қолади.

Дилдора ҒАНИЕВА



ИФТИХОР

Кўнгил боғлари нурга тўлаверсин

Наврўз тонгларининг ниятлари қутлуг, орзулари яшнок, умидлари ҳаётбахш. Кексаларнинг айтишича, бу куннинг хосиятлари кўп. Сахарларидан неки дуо қилсанг, ижобат бўлади. «Муборак айёмда ғамга ботма, ўйнаб-қулиб юр. Ана шунданга келгуси Наврўзгача шод-хуррам бўласан!» дейишади улар. Бу ҳикматларни эслайману атрофга боқаман. Тупроқни ёриб яшашга чоғланаётган майсалар, ариқ бўйларидан очилаётган гунафшаю чучумоллар, боғлар ичкарида хониш қилаётган кушлар, ҳамма-ҳаммаси Наврўз келганини бир-бирларига айтиб суюнчилаётгандай. Митти қушларнинг тилидан учаётган кўшиқ юракларимизга кўчиб, бизни ҳам ҳайрат оламига етаклаётгандай. Беихтиёр қалбимизни қувонч ҳисси қамраб олади, нурли туйғулар кўнглимизнинг ич-ичларини ёриштиради. Ҳаёт қанчалар гўзал, баҳор қанчалар кўркем, нурафшон Наврўзимиз эса кўзларимизга яқин, қадрдон!

(Наврўз) ҳиммат ва яхшилик рамзи. Ундан элга ҳаракат, ерга баракат келгай...»

Биз умид ойининг чароғон кунлари сари илгариларимиз. Кўнглимиз боғлари энг тоза ниятлар билан файзиб. Оёқларимиз остидаги ҳар чўлу майса, жамики мавжудот кўзларимизга азиз эканини бу кунларда янада теран англаётгандекмиз. «Тириликка шукрона келтиринг, борлиқни авайланг. Олам бутунлигию осойишини эъзозланг!» дейди аҳли донишлар. Оламлар минг-минг йиллардан буён тўри яшамонинг шартли бўлган шу ҳикматларга амал қиладилар. Бу ҳикматлар эса бизнинг кунларимизда янги биримиз бебаҳра қолмайлик... Эндилдикда ҳар биримиз тинчлик ва омонлик сўзларини юракдан англаймиз. Ёруғ, ёғдули кунларимизга, осойишта ўтаётган лаҳзаларимизга шукроналар айтмиш. Кутлуг кунда кўни-кўшидан тортиб ёру биродарларимизгача, ҳаммасининг кўнглини олмаққа чоғланамиз. Эзгу ва савоб юмушларни адо этмоққа, кимнингдир оғирини энгил қилмоққа, кимгадир иссиқ сўзимизни тезроқ айтмоққа шошиламиз. Токи, кутлуг кунларнинг савобларидан ҳеч биримиз бебаҳра қолмайлик...

Халқ термалари, ўланлари ва лапарлари ўз-ўзидан ёдга тушаверади. Қизу келинчақлар, ҳатто аяқонларимиз ҳам бу лапарларга қўшилиб кетадилар. «Ҳалинчақ» лапарни мана бундай айтадилар:

**Кўкка учган ҳалинчақ,
Шошмасанг-чи, сен бунча?
Бошим гир-гир айланар,
Очилмаган мен гунча!**

Лапарнинг қолган қисмини бошқа бирови давом эттиради:

**Кўкка учган ҳалинчақ,
Тезроқ очилсин гунча.
Сўлимасин, яшансин,
Турсин дунё тургунча!**

Мен эртасига ишга кетаётиб, бола-лар боғчаси ёнидан ўтаман. Ичкарида шўх мусика садолари янграйди. Жажжи бир қизалоқ бийрон тилда кўшиқ куйлайди:

**Мен онамни севаман,
Кенг оламни севаман.
Соғ бўлсин онам, дейман,
Тинч бўлсин олам, дейман!**

Болажонлар тилида янграган соф ниятлар Наврўзининг хуш наволарига ҳамоҳанг. Янги асрнинг илк Наврўзи, оналар ва болалар йилининг қувончлари ҳам шу ҳамоҳангликка қўшилиб кетгандай, гўё! Ҳар жойда кулгу ва табассум, ҳар даврада қаҳ-қаҳа ва кўшиқ... Олам кўшиққа тўлса, борлик ҳам жуда гўзал кўринаркан!

...Бугунги покиза кунлар учун тилакларимиз бисёр. Кўнгил боғлари нурга тўлаверсин. Нур, зиё бор жойда умид ва ишончлар гул очади. Эзгулик мева беради. Меҳр-муруват, бирдамлик, дийнат ва яхшилик хислатлари юрагимизни беэзайди.

Жамики эзгуликлар сенга йўлдош бўлсин, Наврўзи Олам, юртимизга хуш келибсан, эй нурафшон айём...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатрларда

◆ **БОРОВСКИЙ** номидаги тиббиёт билим юрти Россиянинг халқаро илмий-маданий маркази билан ҳамкорликда Болгар миллий маданий марказида космонавт учувчи Юрий Гагарин парвозининг 40 йиллиги санасига бағишланган «Авиация, космос, тиббиёт» мавзюда семинар ўтказди.

◆ **АЛИШЕР** Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театри жамоаси театр ихлосмандларига А. Хачатурян ижодида мансуб «Спартак» балети премьерасини намойиш этди.

◆ **ТОШКЕНТ** Давлат мусикали комедия (оперетта) театрининг бадиий раҳбари Михаил Хачатуров ўзбек эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига бағишланган концерт-спектакль тайёрламақда.

◆ **АЙНИ** кунларда Тамарахоним музейи қошидаги мусикали этнография ансамбли жамоаси буюк рақосанинг 29 март кўни нишонладиган 95 йиллик таваллудига янги концерт дастури билан қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

◆ **ЎЗБЕКИСТОН** — Япония дўстлик жамиятига ташриф бўлган меҳмонлар оналар ва болалар йили муносабати билан уюштирилган тадбирда қатнашиши ҳамда «Баҳор» ансамблининг концерти томошасидан баҳраманд бўлишди.

◆ **ОНАЛИК** ва болаликни муҳофаза қилиш энг муҳим вазифалардан биридир. Яқинда оналар ва болалар йили муносабати билан Тошкент шаҳар Ортольмология марказига ривожланган давлатлар маҳсулоти бўлмиш энг замонавий тиббий анжомлар келтирилди.

◆ **ПОЙТАХТИМИЗДА** фаолият кўрсатаётган Америка Қўшма Штатларининг Тинчлик корпуси кўнгилчилар гуруҳи ташаббуси билан юртимизнинг таълим соҳасидаги акиллари ҳамда Ўзбекистондаги ўзга мамлакатлар элчионаларни хадимлари иштирокида ўтказилган анжуман бошлангич таълимни ривожлантириш, унда асосан ривожланган мамлакатларнинг бошлангич таълим соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш масаласига бағишланди.

◆ **МУСИКА** санъатиға ешларнинг қизиқишини ошириш мақсадида Миробод туманидаги 22-музыка мактабида пойтахтимиздаги мусика мактаблари ўқувчилари иштирокида Мухтор Ашрафий номидаги танлов бўлиб ўтди.

◆ **РЕСПУБЛИКА** касб-ҳунар лицейида ўтказилган амалий анжуман ўрта махсус ўқув юртаклари ўқитувчиларининг малакасини ошириш масаласига бағишланди.

◆ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** еш ҳуқуқшунослар клубида еш авлодининг ҳуқуқий билимини шакллантиришга қаратилган тадбир ўтказилди.

Мамлакатимизда

◆ **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 17 МАРТ КУНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА ЗАРАФШОН ШАҲРИГА ТАШРИФ БУЮРДИ. ТАШРИФ ПАЙТИДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ҚИЗИЛҚУМ ЯНГИ ФОСФОРIT КОМБИНАТИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ. КОРХОНА БИЛАН БОҒЛИК ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БИЛДИРДИ, МУТАХАССИСЛАР ВА ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДА БЎЛДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРУНТОВ ОЛТИН КОНИДА ҲАМ БЎЛДИ.**

◆ Ўзбекистондан четга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузуридаги махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ҳукуматнинг «1998-2000 йилларда Наманган вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 1998 йил 29 июлда қабул қилинган 319-сонли қарори ижросини назорат қилиш бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли «Ил-76» юк самолёти Карпатorti минтақасида сув тошқинидан жабр кўрганларга инсонларварлик ёрдамини етказиб берди.

◆ Утган кўни «Наврўз, экология ва саломатлик» широри остида умумреспублика экологик ҳашари ўтказилди. Шанбаликдан тушган маблаг «Экология, оналик ва болалик» дастурини амалга ошириш ҳамда ижтимоий экологик ҳолатни яхшилашга сарфланади.

◆ Янги «Мискан-Учқудук» темир йўл қурилиши яқунланди. 224 километрик бўлган темир йўлда яқинда поезд катнови синовдан муваффақиятли ўтди.

◆ Кармана туманидаги Алишер Навоий номли маданият саройида миллий урф-одатларимизни тараннум этувчи «Наврўз-2001» вилоят фестивали ўтказилди. Фестиваль ғолиблари Тошкентда бўлиб ўтадиган байрам тантаналарида иштирок этади.

◆ Урганч шаҳрида ўтган йилги тест синовлари яқунларига бағишлаб, йиғилиш ўтказилди.

◆ Наврўз байрами арафасида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетида «Театр ва талаба» мавзюда анжуман ўтказилди.

◆ Тошкент автомобиль йўллари институтида ёш рассом, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси Чоршанбе Шамсиевнинг «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» номли расмлар кўргазмасининг очилиши маросими бўлиб ўтди.

◆ Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси вилоятдаги мактабгача тарбия муассасалари ўртасида «Озод Ватан бизники» мавзюда кўрик-танлов эълон қилди.

Жаҳонда

◆ **АҚШ** Президенти Жорж Буш ва Россия Президенти Владимир Путиннинг илк учрашуви жорий йилнинг ёзида Генуя шаҳрида ўтказилиши кутулимоқда. Оқ уй раҳбарининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Кондолиза Райс Россия Хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Иванов билан учрашувдан сўнг шуни маълум қилди. Унинг айтишича, бўлажак олий даражадаги учрашув «Катта саккизилик»ка аъзо давлатлар раҳбарларининг Генуядаги саммити доирасида ўтказилади.

◆ **Кеча** Исроил Бош вазир А. Шарон АҚШ Президенти Ж. Буш билан музокара олиб бориш учун Вашингтонга келди.

◆ **Кеча** Минска АҚШ Давлат департаменти делегация аъзолари келишди.

◆ Жанубий Африка Республикаси Президенти Тобо Мбеки халқаро ҳамжамиятдан Африкани ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган дастурларни тезроқ ижро этиш учун молиявий ёрдам ажратиши сўради.

◆ Колумбия хавфсизлик кучлари АҚШ собиқ раҳбари Билл Клинтонга суиқасд уюштиришга тайёргарлик кўрган жиноятчини хибсга олди.

◆ Утган сешанба кўни Хиндистоннинг айрим сиёсий ва ҳарбий мулозимлари коррупция билан боғлиқлиги ҳақида шов-шув тарқалган эди. Мамлакат ҳукумати аини масалани охиригача ўрганишга улгурмай туриб, республика мудоффа вазири Жорж Фернандес истеъфога чиққанлигини расман эълон қилди.

◆ Буюк Британиянинг сўнги уч ҳафта ичида оқсил касаллигидан кўрган умумий зарари 2,5 миллиард фунт-стерлингга етди. Мутахассисларнинг фикрича, бу касаллик ёзгача давом этиши мумкин ва зарар микдори ҳам шунга яраша ошиб бораверади.

◆ 10 апрелдан Хитой ва Корея ярморилои ўртасида янги ҳаво йўли очилади. Хитойнинг «Шимолӣ» авиакомпанияси шуни маълум қилди.

◆ Марказий сайлов комиссияси мамлакатда ўтказилган Президентлик сайловлари бўйича яқуний ҳулосани эълон қилди.

◆ Марказий ўқиш бошқармаси мутахассислари «Мир» космик станцияси ҳаракатининг бошқарув тизимини тўла ишга туширдилар. Ҳозирда 243,6 километр баландиқда турган фазовий кема чўктиришга шай ҳолатга келтирилди. 21 мартда унинг баландлиги 220 километрга тушади ва чўкиш ҳаракатининг йўналиши аниқ белгиланади, деяр хабар тарқатди Интерфакс агентлиги.

◆ Москва-Истанбул-Москва йўналишидаги Россиянинг «Ту-154» русумли йўловчи самолёти Туркиядан Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига олиб қочилгани ҳақида хабар қилинган эди. Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг мазкур самолёт ва уни олиб қочган террорчилар Саудия Арабистони махсус хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди. Аммо қутқарув пайтида уч нафар йўловчи ҳалок бўлди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Хабарларга қараганда, террорчилар дастлаб саудийлик мулозимлардан Афғонистон томон ҳаво йўлини очиб беришни талаб қилган. Ҳозирда Кремль расмийлари Саудия Арабистон мазмуриятидан самолёт ўғриланининг Россияга топширилишини сўрамоқда.



ТАДБИРЛАР

Сумалак сайли

Уйғониш, муруват, меҳр-муҳаббат ва хайру саховат рамзи бўлмиш Наврўз байрами муносабати билан маҳаллаларда элга танилган, халқ ҳурматини қозongan олим ва зиёлилар, адабиёт ва санъат намояндalари иштирокда миллий урф-одатларимизни ўзида акс эттирувчи учрашувлар ўтказилмоқда.

Чилонзор тумани ҳокимлиги, туман маънавият ва маърифат маркази, туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан 1-Чарх-Камолон маҳалласида «Сумалак сайли» деб номланган байрам кечаси бўлиб ўтди. — Наврўз айёми барчамизни энг эзгу ишларга, хайру саоватга, «яқшидан — бог қолади» нақдига амал қилишга чорлайди, — деди туман маънавият ва маърифат маркази раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Муборак Тешабоева. — Бу байрамнинг яна бир алоҳида хусусияти бор. Бу унинг саховатли, саоватли байрам эканлигидир. Бу байрамда ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Байрам арафасида кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож қариялар, фахрийларга хайр-эҳсон кўрсатиш, байрам совғаларини улашиш ҳам саоват ишлардан саналади.

Байрамда иштирок этган Чилонзор туман ҳокими ўринбосари Бахтиёр Сағатов, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси, кекса журналист Санъат Маҳмудова, 1-Чарх-Камолон маҳалла оқсоқоли Турғун ҳожи Қосимовлар мунис, табаррук онахонларни меҳр-муҳаббат, янгилиниш, ёшариш байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этдилар. Миллий қадриятларимизни ўзида мужассамлаштирган умрбоқий Наврўз ҳақида, соғлом ва солиҳ фарзандлар дунёга келишида, уларнинг ҳар томонлама таълим ва тарбия олишларида гузал ва лобар, мунис оналарнинг ўрни беқиёс ҳақида тўқин дастурхон устида суҳбатлашдилар.

Юнус Ражабий номидаги билим юрти талабаларининг дилрабо куй ва кўшиқлари байрамга янада завқ бағишлади.

Кеча сўнгидa меҳмонларга Наврўзнинг шох таоми сумалак ва ош тортиди.

Шоира МУХАМЕДОВА

САНОАТ

Янги маҳсулот тайёрланади

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб маҳсулотнинг харидориги турларини ишлаб чиқаришга интилаётган «Виза» масъулияти чекланган жамияти ишчи-ҳизматчилари учун ўтган йилнинг якуни салмоқли бўлди.

Корхонада 89 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Бу маҳсулотлар орасида турли-туман ёритиш техникаси буюмлари, электр дазмол, электр чайнак ва сув кайнаткичлар мавжуд. Шу билан биргаликда ўтган йилдан бошлаб корхонада янги маҳсулот — ула-элик ва тиббиёт сановати учун шиша идишлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу зарур ва керакли шиша идишлар ўтган йилда ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг 50 фоизга яқинини ташкил этди.

— Ўтган йилда ишлаб чиқариши кенгайтиришга муваффақ бўлди, — дейди корхона бош муҳандиси Рауф Долимов. — Бунинг натижасида 50 та кўшимча ишчи ўринлари яратилди. Ишчи-ҳизматчиларимиз сони 150 нафардан ошиб кетди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларимиз дизайни-

га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун бозорни ўрганиб, харидор дидига мос равишда маҳсулот турларини яратишга интилоқдамиз. Бу йилги ниятимиз 130 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаш ва буюртмачилар билан яқин ҳамкорликда ишлаш. Яна бир янгилик шундан иборатки, «Виза»-чилар Наврўз кезларида юк автомашиналари учун бир неча турдаги аккумулятор тайёрлашни йўлга қўйишмоқда.

Дилноза ҒИЁСОВА

Она диёримиз яна Наврўзи олам огушида. Бу — йиғирма биринчи асрдаги, боринги, янги учинчи миңг йилликдаги илк Наврўзимиздир. Лекин биз учун унинг энг азиз, энг қадри томони — у Истиқлолимиз ўн йиллигининг илк Наврўзи. Биз Наврўзи ўнинчи бор озод ва мустақил Ватан — Ўзбекистонимиз бағрида шодлик билан қарши олмақдамиз. Бунинг маъною мазмунини қанча теранроқ идрок этсак, у шунча бой, кўркам манзаралар билан ақлу қалбимизни забт этади. Балки бу заминга Наврўзи олам кўпдан-кўп, миңларча ташриф билан қалам қўйгандир, балки ҳар бир ташрифнинг ўз ҳикматлари бўлгандир. Лекин биз учун истиқлол йиллари Наврўзнинг ўзгача таровати, ўзгача жилобахш ҳаракатлари бор. Чунки айни мана шу йилларда Наврўз ўзининг энг ҳаққоний, энг муқаммал маъносини топа билди десак, лоф эмас. Наврўз шу йиллар мобайнида чинакам, кенг қамровли халқ байрамига айланди. Рухий ва маънавий эркиндик унга қанот бахш этди. У оддий халқ сайлидан ёки долазор сайридан катта, умумхалқ тантанаси, куй ва кўшиқлар, урф-одатларимиз тўла намоён бўладиган баҳор ва бахт байрамига айланди.

Наврўз айёми барчамизни энг эзгу ишларга, хайру саоватга, «яқшидан — бог қолади» нақдига амал қилишга чорлайди, — деди туман маънавият ва маърифат маркази раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Муборак Тешабоева. — Бу байрамнинг яна бир алоҳида хусусияти бор. Бу унинг саховатли, саоватли байрам эканлигидир. Бу байрамда ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Байрам арафасида кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож қариялар, фахрийларга хайр-эҳсон кўрсатиш, байрам совғаларини улашиш ҳам саоват ишлардан саналади.

Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири
Диёримнинг чехраси гулгун

зи сифатида ғоят интизорлик билан кутиладиган айём. Чунки у йилнинг бошланishi, она Ернинг уйғониши, борлиқ ранго-ранг жилвалар билан кўзини ва кўнгилни қувонтирадиган даврдир. Тасаввур этинг: осмон тўла оппоқ варраклар, қозонлар тўла сумалак, турли-туман қўшлар чуғури, сою қирларнинг узлуксиз зилол тўлкини, жўшқин ирмоқлар таронаси, қиз-жувонларимизнинг заррин либослари, кўпқари ва кураш майдонларида йиғиларимизнинг мардона жавлонни. Болалар қувончининг беҳаду бепеёнлиги! Наврўз — тиниқ само, ярқироқ кўш, меҳнат ва муҳаббат, гул ва мусиқа тимсоли. Мўл ҳосил иштиёқи билан нафас олаётган она замин, далаю боғларимиз бизни янги-янги умидларга чулғайди. Зеро, кўчат эккан, ариқ қазиган, йўл очган, кўпик қурган, бино тиклаган, фарзандлар бахтини ўйлаб, ўзини яхшиликка сафарбар этган одамнинг умри безаводдир. Шу Наврўз айёмида пойтахтимиз жонажон Тошкент кўчаларини, боғу майдонларини айланган киши чинакам байрамни янада чуқурроқ ҳис этади. Янги-янги қурилишлар, ойнадай раvon йўллар, эртанин ишга тушадиган янги метро бекатлари, оппоқ гуллаган дарахтзорлар, кўзни қамаштирадиган мўл-кўл кўчат бозорлари дилга қувонч бағишлайди.

римиш ҳам яшил кўйлак кийдилар, дейилмоқда. Нақадар гузал ташбиҳ, аниқ тасвир! Ёки буюк устоз айтган «Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар... Олам маъмурлиги алардин, меҳнат аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳарокот, элга ҳам қўт етар, ҳам барокот. Дехқонки тузлук билан дона сочар, ҳақ ҳар бирига етти юз эшигин очар... Дехқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифига маҳолдур» деган сўзларини бир эсланг, нақадар бизнинг кунларимизга уйғунлик бор бу ҳаққоний эътирофла!

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Ўзининг файзу таровати билан яқинлашиб келаётган XXI асрнинг илк Наврўзи ҳамшаҳарларимиз дилига олам-олам фахр-ғурур туйғуларини, шоду хуррамлик кайфиятини бағишлаши, шубҳасиз. Шу боис ҳам бугун уни очик чехраю показлик билан кутиб олиш, баҳор чиройига янада гузаллик бахш этиш ҳаммамизнинг эзгу ниятига айланган.

Айёмга орасталик ярашади

Бу борада Наврўзи оламга пухта ҳозирлик кўраётган, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларини астойдил амалга ошираётган Миробод тумани меҳнат аҳлининг ҳам саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни кунларда тумanning 40 та маҳалласида ҳовли ва кўчаларни тозалаш, дарахтларни оқлаш, ҳар кунги чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб ташлаш ва турли дарахт кўчатлари ва турфа гуллар экни ишлари уюшқоқликда олиб боришмоқда. Ободонлаштириш бошқармаси ходимларига маҳаллалар аҳли, корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-ҳизматчилари, ўқув йуртлари ва мактабларнинг талаба ва ўқувчилари яқиндан кўмак беришмоқда.

Катта театри олд майдонидa тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Сирасини айтганда, бугун туманда яшовчи ёш қарининг, меҳмонларимизнинг кутлуг байрамни шодлик билан нишонлашлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Бу ишга ҳар бир фуқаро ўз ҳиссаси қўшаётганлиги кўпонарлидир.

— 9-10 март кунлари туманимизда катта ҳашарлар уюштирилди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Баҳоидир Дабобоев. — Бу азалий анъанавга айланган қолган тадбиримизда миңлаб фуқароларимиз иштирок этишди. Режадаги ишларимизнинг барчасини амалга оширдик. Шунингдек, эндиликда туманимизда безаводдир ишлари олиб боришмоқда. Туман аҳлининг асосий байрам шодликларини бўлиб ўтадиган Фурқат номидаги истироҳат боғи ҳамда Алишер Навоий номидаги Давлат академик

Бугунгача ўтган йилларда экзилган дарахтларни парвартириш билан бирга мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ҳар бир маҳаллада ўтказилмоқда. Бу ишда маҳалла оқсоқоллари бош-қош бўлмоқда. Туманда ойлик давомидa 250 туп манзарали, 200 туп мевали дарахтлар, 1000 туп бута ҳамда 2000 туп терак, турфа гулларни бундан ортиқроқ ва кўчаларга экни ишлари дамда ҳар ким кўкаламзорлаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

«Маҳалла» жамғармаси — бош-қош



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш, ушбу байрам арафасида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳар санитар холатини яхшилаш икки ойлигини ўтказиш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ шаҳар «Маҳалла» жамғармаси томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Байрам арафасида шаҳарда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг миқёсда ташкил этилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадейбоев. — Чунинчи, шаҳримиздаги барча 445 та маҳаллада фуқаролар ўзлари яшаб турган кўчалар, ариқларни чиқиндилардан тозалаш, оқсоқоллар ташаббуси билан кўчатлар олиб кўча-кўйларга ўтказишди. Айниқса байрам арафасида Чилонзор туманидаги 2-Чарх-Камолон маҳалласида жонбозлик кўрсатишиб, кўп қаватли уйлар олдида 50 машина тупроқ келтириб тўкиб, у хашар йўли билан текислашиб, 350 туп терак, 1000 туп атиргул кўчатлари ўтказилди. Бундан ташқари барча хонадонлар атрофи тозаланиб, яқка-ёлғиз кишилар хонадонлари орасталаниб, эшик-даразалари бўёб берилди. Шу каби ободонлаштириш-тозалаш ишлари Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров, С. Раҳимов туманидаги «Гузробоши», Шайхонтоҳур туманидаги «Чўпота», Бектемир туманидаги «Зилола» ва бошқа маҳаллаларда уюшқоқлик билан амалга оширилди. Умуман, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларнинг фидойилиги, фуқароларнинг ўзи яшаб турган гушаларига бўлган меҳрлари тўғрисидаги маҳалла аҳлининг ҳақиқатан ҳам 7900 туп мевали, 10000 туп манзарали дарахтлар экилди, 50 миңга яқин дарахтларга шакл бериб оқланди.

Олий Маҳлис Ешлар ишлари кўмитасининг ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада спорт мажмуаси ҳаракатини қўллаб-қувватлаган ҳолда Наврўз байрами арафасида Бектемир туманидаги «Зилола», Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров, Сергели туманидаги «Ешлик», С. Раҳимов туманидаги «Чигатой Откелмаси», Шайхонтоҳур туманидаги «Чўпота» маҳаллаларида маҳалла ешлари ва тадбиркорларнинг кучи ҳамда хашар йўли билан бешта спорт мажмуалари фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига яна 20 та маҳаллада шундай мажмуалар қад ростилади.

Наврўз байрами муносабати билан кам таъминланган, муҳтож, кўп болали оилаларга ҳомия ташкилотлар, тадбиркорлар ва саховатли инсонлар ёрдамида 20 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Оромгоҳимиз мунтазир

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Собит Маматов билан суҳбат.

Болалар ва катталар учун чўмилиш ҳавзалари, катта кўлимиз тозаланиб, тоза сув келтирилади. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

ЭЛЧИЛАР КУТЛАЙДИ Барча оилаларга бахт-саодат ёр бўлсин

Жак-Андре КОСТИЙ, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси:

— Мамлакатимизга келганимдан сўнг Ўзбекистондаги кишилар ўртасидаги илқ муносабат, меҳмондўстлик ва бағрикенглик мени хайратга солди ва мафтун этди. Бинобарин, Тошкентдек гузал, замонавий пойтахтда яшаш, шонли қадимий тарих ва бой маданиятга эга булган мамлакатга ташриф буюриш имконияти туғилганини ўзим учун катта омад деб биламан.

Уйлайманки, Франция ва Ўзбекистон ўртасида сиёсий мулоқот, ҳарбий соҳада, шунингдек маданият, фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликнинг истиқболлари катта. Ўтган йили Ўзбекистон Бош вазирининг Парижда, Франция мудоффа вазирининг Тошкентга ташрифи ҳар иккала давлат ўртасида дўстона, ишончли ва барқарор алоқаларнинг ўрнатилганидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, Франция элчихонаси ходимлари ва шахсан ўз номимдан ўзбек халқини Наврўз байрами билан табриклайман ва юртингиздаги ҳар бир оилга саломатлик, бахт ва фаровонлик тилайман.

Хермон СИНГГИХ, Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчисининг сиёсий ишлар бўйича биринчи котиби:

— Янги миңг йилликда дав-

латларимиз ўртасида ҳар томонлама алоқалар янада кенг қулоч ёймоқда. Зотан, Ўзбекистон кўндан-кўнга ривожланиб ўзи танлаган йўлдан оғишмай бораётир.

Наврўз айёмини биз ҳам кўп миллатли ўзбекистонликлар қаторида дилдан қарши оламиз, чунки бу байрамда нафақат табиат ўзгача чирой очди, балки кўнгишлар ҳам завқ-шавққа тўлади.

Кириб келаётган Наврўз айёми муносабати билан биродар ўзбек халқига ўзининг дил тилақларини ва самимий табригини йўлашдан бағоят мамнунман. Шу фурсатдан фойдаланиб Тошкентдаги Индонезия элчихонаси ходимлари ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча индонезияликлар номидан самимий тилақимиз — Наврўз ўзбек халқига бахт-саодат ва давомли таракқиёт келтирсин.

Кёко НАКАЯМА, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси:

— Ўзбекистонда Наврўз айёми қадимий ва умумхалқ байрамларидан бири сифатида кенг нишонланиши бу элнинг азалдан юксак маданиятга бой юрт эканлигидан далолат беради. Зеро, ана шу байрамларнинг ўтказилиши асосида унинг қадимий урф-одатлари, маданияти ва тарихи ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб кириб келаётган Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ўзбек халқи ва унинг раҳбариятини ўз номимдан ҳамда элчихона ходимларини номидан самимий кутлайман. Оналар ва болалар йилида Ўзбекистондаги барча оилаларга тинчлик, тотувлик ва бахт тилайман.

Очил ХАЗРАТОВ ёзиб олди.

Ватан фаслларининг ёмони йўқ. Титраб, увишган дарахтларга бир кечада биллур либослар кийдириб, боғларни афсонавий тусга киритувчи қиш ҳам, қуёш ердами ё кўзда ёнаётгани билинмайдиган оташли ёз, хаёл-каш куз — бари бир-бирдан яхши. Аммо барибир баҳор ўзгача... Чақмоқларнинг қарсиллаб, булутларнинг ёғилиши. Дарахтларнинг қўлларига гул, япроқлар тошиши — бари-бари одамнинг юрагида энг гўзал туйғуларни уйғотиб юборади. Киши ўз-ўзидан жилмайгиси келади. Кўзига ҳамма нарса бошқача, чиройли кўринади.

Худди ана шундай севгига, севинчга мойил чоғларимизда энг қадимий, энг яхши байрамимиз Наврўзи олам ўлкамизга ташриф буоради. Бу қадим байрамда миллатимизнинг минг-минг йиллик аънаналари сақланиб қолган.

Беруний бобомиз ёзишларича, ўтмиш аждодларимиз Наврўзи оламда бир-бирларига ширинликлар улашганлар, сув селганлар, ёш-яланглар сайилгоҳларда арғимчоқлар учирган.

Уйлаб кўрсак, бу удумларда катта рамзлар яшаган. Ширинликда одамларни яқинлаштирувчи, хурсандчилик белгилари бор. Сув эса жонланиш, ҳаёт рамзи. Арғимчоқлар қанотланиш, парвозга ишора.

Демак, доно аждодларимиз Наврўзни инсонларни бир-бирига яқинлаштирадиган, мудроқ ҳиссиётларини уйғотиб юборадиган, қалбига қанот

ларини яқинлаштиради, бир-бирининг қувонч, ташвишларидан хабардор этади.

Бундан икки йил муқаддам ҳазрат Алишер Навоий номидаги миллий боғимизда Наврўз тантаналарини бошлаб берар экан, мамлакатимиз раҳбари: «Мен омон эканман, халқим ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади», дедилар. Ҳа, лаҳзаларда Наврўз қадри яна бир қарра баландликка кўтарилди. У табиат байрамлик доирасидан чиқиб, миллат тақдирини, қисматига дахлдор бир яхшиликка айланди.

...Мана яна ўша юракка яқин айём қадрдон юртимиз, бош кентимизга ташриф буорди. Неча кунни, қуёш Наврўз келар йўлларни нур қўлларига сийлади. Шамоллар гўёқларни теб-ратиб хуш ислар сочди.

Бизнинг ҳам қадамларимиз, овозларимиз ўзгача:

Юраклар уйғонганда...

Бахш этувчи бир айём сифатида қарашган. Бугун Ўзбекистон озодликка эришган, Наврўз яна азалий руҳига қайтмоқда.

Бу байрамни ҳеч ким ўз уйи, ўз хонасида ўтказмайди. Ҳамма табиат бағрига чиқади. Одамлар гўё табиат билан жисми жони боғлиқ эканини, қондош, қариндош эканини шу кунни яна бир бор чуқурроқ ҳис этаётгандек бўлади.

Дехон тупроқни қафтига олгани ҳам, болаларнинг майсазорларда чопиши, уйма-уй бойчечак айтиб, қорни ёриб чиққан чечаклар улашиши бари-бари табиий кўринади.

Майдонларни кўпқарига тўпланган тупроқлар сурури тўтиб кетади. Тупроқларнинг кўзида юлдуз ёнади, тўғидан учкун сачрайди. Дошқозонларни оловнинг қайноқ тиллари ўтади. Шамоллар сумалақинг хуш исларини олиб узоқ-узоқларга ўчади.

Одамлар ана шу яхшилик, ана шу шижоат, гўзалликларга ўзи ҳам яқинлашади. Ўзи ҳам Наврўзи оламнинг бир бўлигига айланади.

Гинадорларни яраштириб кўядилар. Хасталар, кўнгли яримларни йўқлайдилар. Келинчақлар саломга чиқади.

Гул, ниҳол ўтказадилар, ҳашар қиладилар...

Бу хилдаги яхшиликлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Наврўз айёмда топшириладиган «Офарин» деб аталган нуфузли мукофот таъсис этилди. Бу мукофот истеъдодларнинг янги имконларини кашф этмоқда. Ҳар йили бу қадимий Миллий байрамимиз кўнлари Урта Осиё давлатлари театрларининг аънанавий фестиваллари бўлиб ўтади.

Бу фестивал қардош, қондош миллатларнинг ёш санъаткор-

Кўзларимга илоҳий бир назар келди, Кулоғимга жаранглаб хушхабар келди. Юрагимга зафар келди, сафар келди, Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.

Қуёш яна султон этиб сайланади, Камалаклар кўкка камон бойланади. Қалдирғочлар кўрикчи хуш, айланади, Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.

Булут ёғар, ёғишлари қумуш, қумуш, Навдаларнинг қурткалари оқ қуш, кўк қуш, Бинафшали шамолларнинг нафаси хуш, Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.

Тўлқин қучли, тош қирғоқлар кемтилмоқда, Қизғиндоқлар баландларга интилмоқда, Қишинг қора Аёллари унутилмоқда, Ўзбекистон тупроғига баҳор келди.

Қоракўзлар, баҳор бизнинг баҳор бўлсин, Тошин ёрган майса эрқдан чопар бўлсин, Ҳақийқ бахт бизни излаб топар бўлсин, Ўзбекистон тупроғига баҳор келди...

Табиати, унга уйғун инсон руҳини ўзгартиришга қодир Наврўзи олам ҳаммамизга қутлуг келисин! Ўлкамизда, кўзимизда, кўнглимиздаги уйғониш муборак, ҳамшаҳарлар! **Кутлибека РАҲИМБОВА**

ОНА ЮРТ КУЙЧИСИ



Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ижоди ўзбек адабиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ижодида назар ташлайдиган бўлсак, илк ижодидан бошлаб жаннатмагон она юртимиз Ўзбекистонга бўлган юксак муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ўзлиқни англаш, асрлар қаъридан келаётган муқаддас қадриятларимизни кўз қорачигидек асраш руҳи ўзига хос шеърый мисраларда жо бўлган. Бугунги кунда ўзбекистон ардоқли шоири сифатида тан олинган Абдулла Ориповнинг ҳар бир шеъри, газалу дostonлари, чуқур фалсафий ўй-кечинмалар, безовта ўйлар ҳосиласи, шоир қалб призмаси орқали ўтган теран образли мушоҳадалардир. Абдулла Ориповнинг 60 йиллик таваллуд тўйлари нишонланаётган бир паллада биз ҳам севиқли шоиримизни чин дилдан муборакбод этиб, боқий умр, сиҳат-саломатлик ҳамда янги ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Ижоднинг олмос қирралари

Халқ шоири Абдулла Ориповнинг дostonлари ҳам адабиётимизда воқеа бўлган асарлар сирасига киради. Бу жиҳатдан айниқса «Жаннатга йўл» драматик дostonи ҳамда «Ҳаким ва ажал» дostonлари характерлидир. «Жаннатга йўл» (1978 йил) турғунлик даври энг авж олган палларда жуда катта қийинчиликлар билан дунё юзини кўрди. Асар босилиб чиққандан кейин ҳам унга отилган маломат тошлари тўхтамади. Шоир «совет воқелигини» бузиб тасвирлашда айбланди. Марказкумнинг, шоксан унинг биринчи котибининг топшириғига мувофиқ тузилган нуфузли комиссиянинг ижобий хулосасига асарга қарши қаратилган ҳужумлар пайини бир даражада қирқалдек бўлди. Аслида, бугунги кун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, диний мифология, ҳаёлий-фантастик шакллардан фойдаланиб битилган ушбу дostonда чиндан ҳам «совет воқелиги» бузиб кўрсатилганлиги аён бўлади. Бу «бузиб кўрсатиш» энг адолатли, энг батариб тўзум деб айоханнос солинган жамаитнинг бутун юрасоқликлари, инсониятнинг энг илгор, энг тараққий топан қисми деб жар солинган совет халқи яшаган муҳитнинг иллатлари рўйи-рост очиб ташлашида намён бўлади. Воқеалар тошин пайти дарага чўккан қизалокни кутқармоқчи бўлиб ўзи халок бўлган Йигит нариги дунёда Тарозибонга рўпара бўлишидан бошланади. Хисоб-китобдан кейин Йигитнинг жаннатга кириши учун икки пайса савоб етишмаслиги аён бўлади. Тарозибон бунинг сабабини Йигитга қуйдагича изоҳлайди:

Сен шоирсан, сенга Оллоҳ ёруғ нур берди, Оташ берди, забон берди, ҳам улуг юрак. Тимсолингда бечоралар ўз дардин кўрди, Бахтин кўрди, шодликларни кўрганлар бешак... Илоҳий дил берган эди сенга худойим, Кулоқ сол деб шўрликларнинг охи-воҳига. Сен-чи, само шўрликнинг куйладинг доим, Шерлар битдинг юлдузларга, гулга, оҳуга. Йигитнинг аросатга ноил бўлишига унинг «Бу дунёда» шоир бўлганиги, фақат гуллар ва бўлбулларни қуйлаб, ёвузлики кўрганда ўзини четта тортганлиги, уларга қарши курашмаганлиги сабаб бўлган экан. Тарозибоннинг «сийлови» билан Йигит аросат ялангликларни, жаннат ва дўзах остоналарига Онасига: Отаси, Дусту ва бошқалар билан учрашди, Ивгогар ва Ҳасадгўйга дуч келди, кекса ва ёшнинг жанжали устидан чиқади ва «номўқаммал заминда»-ги ўз гуноҳларини — ўғри, қаззоб, порахўр, ивгогар, ҳасадгўй, нокас, тилёғлама, шайтон йўлдан урган, руҳи мажруҳ кимсаларга қарши курашмай, бундай иллатларнинг урчишига, одамзоднинг йўлдан озчишига улш қўшганлигини тўлароқ англай бошлайди. Эзгуликнинг йўли тўсиб қўйилганлигидан:

Ер юзида жанглр кечди қаттиқ қатагон, Оналарнинг дийдасидан оқди қонли ёш. Воқеаларни еритишнинг гўё «нариги дунёда» кечаётгандек усули танланиши ўзи яшаб турган ҳаётнинг реал манзараларини чизиш, барча қабохатлар илдизини кўрсатиб бериш, давр ва тўзум ҳақидаги ўзини чуқур ўйлантирган, ташвишлантирган фикрларни образли тарзда ифодалаб бериш имконини берган. Қуйдаги мисралар билан заминда, бир осмон остида умргузаронлик қилиб, муроса йўлини тополмаётган, бир-бирини еб ташлаш қасдида яшаётган инсоният қавмига қаратилган маломат тошхидек янграйди, уни оғоҳликка, вақт борида эсини йиғиштириб олишга, маънавиятни асрашга чақиради. Инсон зоти, сенинг недан каминг бор эди? Сенига тангри берганди-ку тафаккур, имон. Замин, ҳаво, — бари сенда барқарор эди, Нечун дилдан инсоф ҳиссин айладинг гўмдон? Ахир сен ит эмасдин-ку, беланиб лойга Бир-бирингн гажисанг то суяк талашиб. Самимият қайда эди, тафаккур қайда. Луғатингда гар бу сўзлар ётди қалашиб, Ҳасад, ивго қайдан кирди шўрлик қалангга, Қайдан сени чулғаб олди худбинлик, куфр.

«Жаннатга йўл» драматик дostonи даврининг бадиий-эстетик моҳияти таъминли ижтимоий-ғоявий йўналишдан триб пухта таҳлил этилганлиги, юксак бадиий пафоси билан ўзбек дostonчилигида муҳим ютуқ бўлди.

«Ҳаким ва ажал» дostonи (1980 йил) Абу Али ибн Сино таваллудининг минг йиллигига бағишлаб ёзилган. Унинг маъмуний икки оғиз гапда айтиб бериш мумкин. Бухоронинг Афшонасидан чиққан еш Ҳакимнинг доврўги амирнинг ҳам қулоғига етиб боради ва хаста кизи шифо топиши илқинда уни Бухорога «орлайди». Ҳаким қизинг ишқ дардига мубтало

бўлганигини аниқлайди. Руҳи тетиклашган Малика унга сарибда табиб бўлиб қолиши тақлиф этади. Бирок ёш ҳаким кутубхонадан фойдаланиш унга қийин қилишни илтимос қилади. Сарофидга еш Мирзо Боилқ илқинда Маликага уйланиш ниятида эди. Бирок Ҳаким унга фақат севиб турмуш қуриши кераклигини ўқитганидан кейин Мирзонинг таъмили мақсади чил-чил синади. Уч олиш ниятида тунда кутубхонага ўт қўйди. Буни Ҳакимдан қўрган амир уни Бухородан бедарга қилади. Карвон йўллари олимни Ҳамадонга эллади. Бу ерда ўз илму амали билан вазир лавозимига тайинланади. Бирок боилқ ва тахт қолдўздан айрилганлигини Ҳакимдан қўрган, Маликанинг амри билан Бухородан чиқариб юборганин Мирзо бу ерга ҳам этиб келади. Ҳеч нарсадан гумонсирмаган очик қалб Ҳаким уни кеңиради ва ўзига шогирд қилиб олади. Есмонлик билан Ҳакимга сирдош бўлиб олган Мирзо тиб илмида Ҳаким ажалга даво топанлигидан воқиф бўлади. Ҳасад унинг ичин кўртдек кемиради. Вақти келиб Ҳаким ажал билан юзма-юз келади ва ҳаёт доирисини ўзида синашга қарор қилади — доираларни бир-бир томишини Мирзодан илтимос қилади. Ногоҳ унинг вужудда тириклик аломатлари кўрина бошлайди, нафас ола бошлайди. Бирок Мирзо охириги шийдадаги доирани Ҳакимнинг лабларига қуймайди. Шу тариқа ажалнинг давоси топанлик қолади. Дostonнинг насурий баёнини шундай ифодалаш мумкин. Бирок унинг шеърый баёни китобонинг оҳанграбодек ўзига тортади. Одатда эпик жанрдаги шеърый асарлар доимо ҳам шиддатли, таранг оҳангда давом этавермайди. Бу дostonда эса шоир ҳар бир мисра устида қаттиқ тер ўтади. Халқ ривоятлари ва тарихий воқеалар асосида буюқ ҳаким ва қомусий аллома образини яратиш мақсад қилиб қўйилган дoston санъат асарларининг марказида турадиган азалий мавзулар — мангулик ва ўлимнинг моҳияти, эзгулик ва ҳасаднинг азалий қураши муаммоси бадиий юксак кўйма сатрларда талқин этилиши билан адабиётимизда катта жанрдаги шеърый асарларнинг энг яхши намуналаридан бири бўлиб қолди. Емонликка қарши ўт очиб қайта қўриш йилларида ёзилган «Раиҷком» дostonининг ҳам бош ғоясини ташкил этади. Юмуши ивгоно тухмаст қилишдан иборат уч нокасинг «фиску фасод қумитаси» тўзиб олганлигини тасвирлаш воситасида уларнинг асл афт-башаралари очиб ташланади. Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин, 1995 йилда битилган «Сохибқирон» шеърый драматик асарининг асосида ҳам, адабиётимиз ривожига ҳам ўзига хос ўринда туради. Бу даврга келиб ниҳоят ижодкор ахли учун ҳам ҳар қандай «изим» лардан ҳоли чинакам эркин ижод даври бошланади. Мустақиллик, истиқлол берган неъмат тарихда ўтган буюқ сиймоларимиз, чунки сохибқирон Амир Темур тўғрисидаги бор ҳақиқатни айтиш имкониятини бериб, Гарчанд шор тарихий воқеаларга асосланиб, «адолат ва дини ислом» ҳимояси деб ер юзини фатҳ айлаган, тартиб ўрнатган» буюқ аждодларимизнинг реалистик, ҳақоний образини яратиш ниятида ўтмиш тарихимизга мурожаат қилган бўлса ҳам асар теран замонавий аҳамиятини касб этган. Шоирнинг «Сохибқирон» асарини ўтмишга боқиб, бугун учун ёзганман», деган сўзларини ўқиб, шоир ижодининг юксак қирраларига яна бир бор тасаннолар айтасиз. Буюқ жаҳонгирнинг қуйдаги сўзлари ҳуқуқий, инсонпарвар демократик жамят қуришга, Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишга аҳд қилган биз замондошларга қаратилгандек:

Буюқ давлат барпо этдим, Тангрига шукур, Золимларнинг таарузли қўлларини мен Маслумларнинг этагидан юлқиб ташладим. Маслак ила тарикатни ҳимоя айлаб, Монеъ бўлдим имонсизлик, зуравонликка. Сиз миллатнинг дардларига дармон бўлингиз, Йўқсуларни асло бойлар зулмига бермангиз. Орангизга сира-сира тушмансин нифоқ, Умр бўйи ҳазар қилинг мунофиқлардан, Болаларим, хоинлардан бўлинг эҳтиёт, Инсон зоти кўп нарсасга чидайди, аммо Гар адолат поймол бўлса — тоқат қилолмас. Адолат ва озодлиқни муқаддас билинг. Йўлдошингиз бўлсин доим ақлу тажриба, Ҳар қимиларнинг кутқусига дафъатан умчанг... Тожу тахтин мендек узоқ сақлаб десангиз, Қилчингиз ўйлаб чекинг, бўлиб ҳамжиҳат. Шункорларим, адолатни дастур қилингиз, Энг аввало, Ватан ила, Миллатни асранг. Амир Темур ҳаётининг сўнгги йиллари тасвири орқали «Куч — Адолатдадир» деган ақидадан ўзига шоир қилиб олиб тарқоқ улусларни бирлаштириб буюқ давлат тузган, қадами етган ерда бунёдкорлик ишлари билан банд бўлган, харбий саркардалик бобода баҳо мерос қолдирган, элсавар, юртингн ҳаловати, шони, шавқати йўлида оромидан кечган буюқ инсоннинг теран образи яратиб беришганлиги билан қимматлидир.

Дониёр БЕГИМКУЛОВ Куйида ардоқли шоиримизнинг Наврўз айёми ва баҳор фаслига бағишланган шеърларини оқшомхонлар диққатига ҳавола этаман.

Наврўздир бугун

Яшариш, янгиланиш байрами бўлмиш Наврўзи оламни фақат юртдошларимиз эмас, балки юртимизда ўзбек халқи билан ёнма-ён, бир оила фарзандларидек ахил, иноқ, тотув яшаб келаётган 100 дан зиёд қардош миллат ва элат вакиллари ҳам қувонч билан байрам қиладилар.

Муҳбиримиз Наврўз байрами арафасида юртимизда фаолият кўрсатаётган айрим миллий-маданий марказларнинг раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Николай ТОДОРОВ,

Бошлар миллий маданий маркази раҳбари:

— Серқуёш Ўзбекистон менинггина эмас,

балки бошқа болгар биродарларимнинг ҳам

иқкинчи она Ватани бўлиб қолган. Тан олиб

айтиш керакки, ўзбеклар

диёри ажойиб диёр, қалби пок, оқ кўнгли,

меҳмондўст ўзбек халқига

ҳавасим келади. Чунки неча йиллаб истибод

тузуми бўлганига, миллий қадриятлари,

аънаналари топталганига қарамай барибир

ўзбеклар ўзларининг қадимий ва

нақирон байрамлари бўлмиш

Наврўзни унутмадилар, аксинча

мустақиллик йилларида бу

ажойиб, инсонларни эзгуликка,

меҳр-муруватга чорловчи

улуг айём Наврўзнинг зўр тантана

билан байрам қилинаётганлиги

кишини беҳад қувонтиради. Наврўз —

янги кун, янги йилнинг бошланиши

деб ҳисоблангани учунгина эмас,

балки кишиларга эзгулик

уруғини соғувчи айём бўлгани

учун ҳам қадридир. Мен миллий

маданий марказимиз номидан

барча ўзбекистонликларни ана шу

гўзал байрам билан қутлаб ҳар бир

оилага тинчлик, хотиржамлик тилайман.

Исмон Рустам ўгли МАМЕДОВ,

Тошкент шаҳар Озарбайжон

«Гардошлик» миллий-маданий

маркази раҳбари:

— Азал-азалдан ўзбек ва озарбайжон

халқи бир-бирига қондош, биродар

сини айтади. Бундан икки йил муқаддам

ҳазрат Алишер Навоий номидаги миллий

боғимизда Наврўз тантаналарини бошлаб

берар экан, мамлакатимиз раҳбари: «Мен

омон эканман, халқим ҳеч қачон, ҳеч

кимга қарам бўлмади», дедилар. Ҳа, лаҳза

ларда Наврўз қадри яна бир қарра

баландликка кўтарилди. У табиат байрам

лик доирасидан чиқиб, миллат тақдирини,

қисматига дахлдор бир яхшиликка айлан

ди. ...Мана яна ўша юракка яқин айём

қадрдон юртимиз, бош кентимизга ташри

ф буорди. Неча кунни, қуёш Наврўз келар

йўлларни нур қўлларига сийлади. Шамол

фатида аҳил, тотув яшаб келган, Мустақиллик йилларида эса бу дустлик янги чўққиларга кўтарилди. Чунки бизнинг урф-одатларимиз, аънаналаримиз, байрамларимиз ҳам бир. Масалан, эзгулик ва муруватни ўзига ҳо этган қадимий байрам Наврўз шубҳасиз озарбайжонлар учун ҳам энг улуг айёмлардан бири ҳисобланади. Шу кунни барча бир-бирини янги йилнинг, янги куннинг бошланиши билан қутлайди, соғва-салом улашади, меҳрга муҳтож ноғиронлар ҳолидан хабар олади. Мухтасар қилиб

врузнинг кириб келиши кўнглиларни шод этади. Ҳаммага шодлик ва бахт

улашувчи байрам бўлмиш Наврўзнинг қадими доимо қутлуг келисин. Ўзбекистоннинг, қолаверса бутун дунё мамлакатларининг барқарорлиги абадул-абад бўлсин.

Артур САМБОЛЦЯН,

арман миллий-маданий маркази раҳбари:

— Наврўзнинг боқийлиги шундаки, у ҳар бир инсонни фақат эзгуликнинг, яхшиликнинг қадрига

айтанда бу йилги Наврўз ҳар бир инсонга бахт-саодат келтирсин. Осмонимиз мусаффо, ҳар бири оила тинч-тотув яшаб, ўйлаган орзу-ниятларига етсин. Аввалги йилда улгурмоли қолган ишлари жорий йилда амалга ошин.

Давлатбек САЪДУЛЛАЕВ,

«Ориено» тожик миллий-маданий маркази раҳбари:

— Серқуёш Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган жорий йил омадли келди деб бемалол айта оламан. Чунки яқиндагина нишонланган икки қутлуг айёмлар Қўрбон

ҳайити билан Хотин-қизлар байрамининг қувончлари юраклардан кетмай туриб қадимий умумхалқ байрами На-

врузнинг кириб келиши кўнглиларни шод этади. Ҳаммага шодлик ва бахт

улашувчи байрам бўлмиш Наврўзнинг қадими доимо қутлуг келисин. Ўзбекистоннинг, қолаверса бутун дунё мамлакатларининг барқарорлиги абадул-абад бўлсин.

Артур САМБОЛЦЯН,

арман миллий-маданий маркази раҳбари:

— Наврўзнинг боқийлиги шундаки, у ҳар бир инсонни фақат эзгуликнинг, яхшиликнинг қадрига

айтанда бу йилги Наврўз ҳар бир инсонга бахт-саодат келтирсин. Осмонимиз мусаффо, ҳар бири оила тинч-тотув яшаб, ўйлаган орзу-ниятларига етсин. Аввалги йилда улгурмоли қолган ишлари жорий йилда амалга ошин.

Давлатбек САЪДУЛЛАЕВ,

«Ориено» тожик миллий-маданий маркази раҳбари:

— Серқуёш Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган жорий йил омадли келди деб бемалол айта оламан. Чунки яқиндагина нишонланган икки қутлуг айёмлар Қўрбон

ҳайити билан Хотин-қизлар байрамининг қувончлари юраклардан кетмай туриб қадимий умумхалқ байрами На-

Боқий байрам



врузнинг кириб келиши кўнглиларни шод этади. Ҳаммага шодлик ва бахт улашувчи байрам бўлмиш Наврўзнинг қадими доимо қутлуг келисин. Ўзбекистоннинг, қолаверса бутун дунё мамлакатларининг барқарорлиги абадул-абад бўлсин.

Ақбар Йўлдошев сўхбатлашди.

НАВРЎЗ БАҲОР

Оз-оз ўрганиб Домо бўлур...

● Хамма одамлар аслида бир хил, дунёга келишлари ҳам бир хил. Фақат табиатан ҳалол одамнинггина номи баланд.

● Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

● Ҳалол одам учун энг оғир ҳақорат уни ноҳалолликда айблашдир.

● Ҳалол одамни таъбиб этиш мумкин, лекин уни бадном қилиб бўлмайди.

● Ҳалол одам бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди.

● Бузоқнинг ҳақи бор деб, сигирнинг сутини ичмайди, деган нақл икки хил маънода тушунилади. Биринчиси, кесатик, иккинчиси ҳаромдан ҳазар қилиш. Аслида эса иккинчи маъно ҳақиқатга тўғрироқдир.

ХИКОЯТ. Бир кишининг бир сигири бор эди. Сутига сув қўшиб сотиб, бойиди, бир неча сигир жам қилди. Бир кун сел келиб, ул сигирларни ҳаммасини окизиб кетди. Уша кишининг норасида боласи шундай деди: «Э падар, сутга қўшкон пароканда сувлар йиғилиб келиб, сигирларимизни окизиб кетди».

● Нақл қилурларки, ҳазрат Мир Кулол оналари дер эканлар: «Амир Кулол қорнимда экан, ноғоҳ шубҳали лўма ютиб қўйсам, кўкрагим остида шу қадар қаттиқ оғриқ пайдо бўлардики, ҳатто ҳушдан кетаёзардим. Кейин маълум бўлдики, бу ҳол покиза фарзандим баракотидан экан».

БАЙТ:
Нишоним шулки, мен покиза фарзанд,
Отам ҳам пок, онамдур афифа.
Дилим поку йўлим пок, этагим пок,
Тарикатим эрур — Абу Ханифа.

● Олижаноб бўлишининг ўзи кифоя эмас. Боодоблик ҳам зарур.

● Одоб — юракнинг ақли.

БАЙТ:
Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки агёр дурур ёр айлар,
Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгиларни гирифтор айлар.

● Қаноат ва сабр-матонат кишини юксак ишларга чорлайди.

● Қаноатсиз одам ҳеч қачон ўзини-ўзи идора этолмайди.

● Қаноатсизлик ақли қисқалик, нодонлик ва ўзбилармонлик.

● Енгил эришилган галабаларнинг қадри бўлмайди. Қатъий қаноатлилик билан кўлга киритилган ютуқлар билангина фахрланса арзийди.

● Иродасиз одам ҳаёти давомида турли балоларнинг ўз бошига ёғилишига йўл очади.

● Энг аччиқ дақиқаларда ҳам руҳингни баланд тутишга ҳаракат қил.

● Бугунги куннинг мусибатли бўлса, бундан ҳам оғир пайтлар юз бергани, улар ҳам ўтиб кетганини ўйлаб, овунишинг керак.

● Донолар айтади: «Тарбияли хотинлар ҳар вақтда қаноатли бўлурлар. Қаноат — етишурлик миқдорига ёки хазинада топилгонига ризо бўлмоқ демакдир. Бу эса эркаклар учун ҳам, хотинлар учун ҳам энг гўзал бир сифатдир. Қаноатлик бир хазинадирки, ҳеч вақт камаймас. Етишур миқдорига ризо бўлмогон кимса, ер тўла бойлиги бўлса, ҳаргиз қаноат қилмас. Демак қаноатсизлик одам боласидаги бир хасталиқдир. Ушбу сабаб учун қаноатсизлик ила муштало бўлган кимса, охиратнинг тўғри йўлидан бир чекка чиқиб, кўп вақт адашиб қолур ва турмушнинг машаққатларига дучор бўлур. Қаноатсиз кишининг ҳожат нарсаси кўп ва кўзи очлиги чексиз бўлгонидан муродини ҳосил қилиш учун ҳам ёлгон сўзлар ила маддоҳлик қилур. Шунга кўра хотинларга эрларнинг бор хазиналарига қаноат айламоқлик лозим бўлур.

Агарда одам боласи ҳар вақтда ўзидан бечора ҳолли кимсаларни кўриб турса ва холидан яна бечора ҳолга тушуви мумкин эканини кўнглига келтурса, албатта бориға қаноат этажақдир. Қўлиға кирган моллини эътибор ила тегишличагина сарф этган кимса ўзининг тирикчилигиға ҳам рози бўлур, ҳам шукр қилур».

БАЙТ:
Кулфатга тушганда фақат битта йўл,
Ғамни ҳеч ўйлама, тетик бардам бўл.

● Ҳар кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юборса, бу унинг ўлимидур.

● Кишининг ўз нафсидан қочиши шердан қочганидан фойдалирок.

ХИКМАТ. Ҳар ким қайсар нафс куйға гирифтор бўлса, барча балолар остида хор бўлур.

БАЙТ:
Ёлгон бевиқор қилур одамни,
Ёлгон шармандалар қилур одамни.

Тошкентликлар диққатига!
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармаси шунга маълум қиладики, 21 март кун Наврўз шарафига байрам тадбирлари ўтказилиши муносабати билан Алишер Навоий номидаги Миллий боз ҳудудларидаги кўчалар, Халқлар дўстлиги майдони транспорт қатнови ҳаракати учун ёпилади. Шунингдек, оммавий халқ сайиллари ўтаётган ҳамма вақт мобайнида пойтахтнинг марказий кўчалари автотранспортлар учун ёпилади. Абай кўчаси (Навоий кўчасидан Ўзбекистон кўчасигача ва «Пахтакор» автобекетиғача) шаҳар пассажир транспорти ҳаракати учунгина очил бўлади.

«Кўли гул уста»

Аввал хабар бериб ўтганимиздек, Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва пойтахт Бизнес маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги ва Наврўз байрамига бағишлаб ёш ҳунармандлар ўртасида ўтказилаётган «Кўли гул уста» танлови бўлиб ўтди.



Мазкур танловнинг асосий мақсади ёшлар ўртасида миллий кадриятларни юксалтириш, халқ ҳунармандчилигини кенг тарғиб қилиб, ўсиб келаётган ёш авлод орасидан энг иқтидорли ва истеъдодлиларини танлаб, уларнинг меҳнатларини рағбатлантиришдан иборат эди.

«Кўли гул уста» танлови халқ амалий санъатининг 8 йўналиши бўйича белгиланиб, булар кулолчилик, заргарлик, ганҷкорлик, бадий миниатюра, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, қандакорлик, каштачилик каби йўналишлардир.

Шаҳар танловида «Усто» бирлашмаси, «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Хунарманд» уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси, «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими,

халқ таълими ва ўрта махсус таълим бош бошқармалари томонидан тавсия этилган ҳамда жойлардаги саралаш босқичларида танлаб олинган 143 та энг яхши, ёш ҳунарманд қатнашди.

Нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан барча йўналишлар бўйича сара сарлар орасидан энг яхшилари танлаб олинди, 1-3-ўринларга тақдим этилди. Қуйидагилар 1-ўринга сазовор бўлдилар:

«Энг ёш кулол» — Елена Комарова, «Энг ёш ганҷ ўймаkori» — Нажмиддин Шамсутдинов, «Энг ёш наққошкор уста» — Шерали Қуддийев, «Энг ёш ёғоч ўймаkori» — Илҳом Самиев, «Энг ёш миниатюра санъати рассоми» — Азимжон Алимбеков, «Энг ёш қандакор» — Улуғбек Мадалиев, «Энг ёш заргар» — Талъат Дадамухамедов, «Энг ёш каштачи» — Нозима Зоирова.

Ғолиблар махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов ёш ҳунармандлар яратган асарлари намуналари билан танишди.

Шоҳида БОБОЕВА
СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар.
Сергей Любич олган суратлар.



Деразанингни олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади.

**ҲУРМАТЛИ
ШАДБИРКОРЛАР!**

Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан 2001 йилнинг 23 март кун соат 11.00 да «Ўзкўргазмасавдо» мажмуида Тошкент шаҳар ҳокимининг соврини учун тадбиркорлар ва ҳунармандларнинг «Ташаббус-2001» танлови ўТКАЗИЛАДИ.

Сизларни танловда қутамиз.

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси 2001 йилнинг 21 мартдан бошлаб

**НАВРЎЗ 2001
ЦИРК**

«ЮЛДУЗЛИ ЙЎЛ»
КАТТА БАЙРАМ ДАСТУРИ

ҚАФАС ТАШҚАРИСИДАГИ ЙЎЛБАРСЛАР
АЙИҚЛАР ДИСКОТЕКАСИ
КАВКАЗ БЎРИБОСАРЛАРИ
МАЙМУНЛАР «ИЙГИТЛАРИ»

Томошалар
Бегим кўнлари соат 12 ва 15 да
шанба ва якшанба кўнлари соат 12.00, 15.00,
18.00 да бошланади.
Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.
Чипталар цирк кассалари ва туман кассирлари томонидан сотилади.
Касса соат 9 дан ишлайди

Маълумотлар учун телефонлар:
144-32-23,
144-29-04.

ОКШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Газетанингни кейинги сони 22 мартда чиқади.

Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

**«Тошкент почтамити»
акционерлик жамияти**

Сиз азизларни баҳор ва уйғониш, яшариш
ва янгилашни фасли бўлмиш

НАВРЎЗ

айёми билан самимий қутлайди.



Ушбу қувончли кунларда ҳар бир
хонадонга бахт ва саодат, тинчлик
ва фаровонлик тилаймиз.

Саховатли, бетакрор ва гўзал юртимизнинг
мунаввар ва буюк келажагини
кўриш бахти барчамизга насиб этсин.

Байрамнингиз муборак бўлсин!

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси
Тошкент шаҳар бўлими жамоаси барча
тошкентликлар ва пойтахтимиз
меҳмонларини келаётган баҳор ва
гўзаллик, яшариш ва янгилашни умумхалқ
Наврўз байрами билан самимий
муборакбод этади!

Халқимизнинг азалий қадриятлари
муҷассам бўлган Наврўз байраминда
сизларга ва ҳар бир хонадонга тўқин-
сочинлик, бахт-саодат, тинчлик,
хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, ўзаро
дўстлик ва яхши кайфият тилаймиз.

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ»
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кўнлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ,
2-КАВАТ,
204-ХОНА.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, chorshanba ва жума
кўнлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га
— 133-74-05 телефонига муружаат
қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида
10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент окшомини»нинг
компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.